



2017 у.г. « 5 » май № 1001-10 Самарқанд т.-р. Самарқанд

Самарқанд туман “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Мароқанд агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидан фуқаро Раббимов Фарухга енгил конструкцияли омўхта ем сотиш шахобчаси қуриш учун вақтинчалик ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2017 йил 27 апрелдаги 1093 сонли хулосаси ва фуқаро Раббимов Фарухнинг туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг моддасига асосан

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Мароқанд агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 144 контуридан фуқаро Раббимов Фарухга енгил конструкцияли омўхта ем сотиш шахобчаси қуриш учун жами 132 кв метр (шундан: 132 кв метр ўзига тегишли уй-жойи ҳисобидан) вақтинчалик ер майдони ажратилсин.
3. Фуқаро Раббимов Фарухга енгил конструкцияли омўхта ем сотиш шахобчаси бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2018 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ш.Аслиев) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З.Олимов)га топширилсин.
5. Фуқаро Раббимов Фарух томонидан “Ер кодекси”нинг 36-моддаси талаблари бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари К. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров